

РЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқук-тартибот учун!

● 13 (2277)

12 ФЕВРАЛЬ

● СЕШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН

## Ютуқлар бор, муаммолар ҳам

ТУМАНИМИЗДА жиноятчилик йилдан-йилга ошиб боряти. 1990 йилда 1989 йил билан тақослагандан жиноятлар сони 54 тага кўнгайган. Лекин ҳуқук-тартибот ходимлари ҳам ўз фоилиятларини такомиллаштириб боришмодалар. Утган йили 255 та оғир жиноят содир этилган бўлса, шундан 187 таси очилди.

Шу йил январи ойида эса 11 марта турли даражадаги жиноят содир бўлди. Ходимларимизнинг астойдил излашнишлари туфайли етитаси фош этилди. Атиги бир ой ичидаги еттига жиноятни аниқлаш ҳар ҳолда яхши кўрсатки.

Аммо бир «лекин» бор. Очиқ-оидин айтишим мумкин. Қонуларимиз ҳали ниҳоятда бўш. Келинг, сийкаси чиқсан гап бўлсада, яна бир бор чет элга назар ташлайдик. У ерда ҳуқук-тартибот посбонларининг оғзидан чиқсан сўз оддий фуқаро учун қонун. Бизда-чи? Бирор шахсни жиноят устида қўлга олсангиз ҳам сиз билан баҳслашади. Муқаррар берилажак жазодан қўрқишилмайди, ҳаттоқи. Шундандан келиб чиқиб милицияни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунни жиноят мажмуасини кескин такомиллаштириш асосида ривожлантириш зарурлигини таъкидлаб ўтиши истардим.

Тўғри, гуручнинг ичидаги оласи бўлганидек, ноқонунни ҳатти-ҳаракатлари билан милицияни ёмон отлиқча чиқараётган ходимлар оғзида йўқ, деб айтольмаймиз. Бу гапим бутун жумҳуриятимизга тегишли. Милиция формасига номуносиб шахслар олдин ҳам бўлган. ҳозир ҳам бор. Лекин уларнинг пешонасига ёзиг қўйилмаган-ку, бу ички ишларга муносиб эмас, деб. Ана шу муаммо эди.

Жумҳуриятимиз ИИВ тармогидаги илгор тажрибаларни қўллаш асосида ана шу муаммони маълум даражада ечишта муввафақ бўлдик.

Ярим йилда ҳеч бўлмагандаги бир марта меҳнат жамоатлари ҳузурида ҳисобот бериб туришини йўлга қўйдик. Биз Тошкент тумани аҳлини осойишталигини қўриқлашпазмиз, марҳамат қилиб фаолиятимизга баҳони ҳалқ берсин. Ана шу йўлга ўтиб олдик.

Маълум бир кунни белгиламида, туман фирқа ва ижроия қўмиталари, прокуратура вакиллари иштирокида бирор корхона ёки ҳуқуқлика борамиз. Меҳнат аҳли билан юзма-юз учрашув ўтказмиз. Участка вакили қандай ишлайти, ДАН ходими ўзини хизмат жараёнida қандай тутаяти, БХСС ходими фаолияти қандай? Ва ҳоказаларни оддий одамларнинг оғзидан ўшитамиз. Ҳалқ доно. Қўрқмасдан кимнинг қанақалигини юзига айтади, аяб юз хотирни қилиб ўтирамайди. Биз эса шунга қараб иш кўрамиз. Ҳалқ ибораси билан айттандан, яхши ошини ейди, ёмон бошини.

Ана шу аснода ДАН хизмати бўйича бир мунча таркиби ўзгаришлар қилдик. Шу хизмат раҳбарларини шартта ўзгаририб ташладик. Натижа ёмон бўлмади. 1989 йилда 43 та автофакалот рўй берган бўлса, 1990 йилга келиб 36 тага тушди бу рақам.

Сезиб хурсанд бўляпмиз, ички ишлар ходимларига оддий ҳалқининг муносабати бир мунча ўзгарди. Ишонч пайдо бўлди уларда, десам янглишмасам керак.

Карл Маркс номли жамоати ҳўжалиги эса ўша ердаги участка вакили, милиция капитани Акрам Раҳимбоевга «Москвич» автомашинаси ажратган. «Сельхозтехника» корхонаси (раҳбари С. Камолов), ДОСААФ (раҳбари Қ. Рашидов), жунни қайта ишлаш фабрикаси (раҳбари А. Ҳамидов) эса участка вакиллари ихтиёридаги техника воситаларини мунтазам рашишда ёнилғи билан таъминлаштири. Жунни қайта ишлаш фабрикаси яна Келесда милиция таянч пункти қуриши учун 20 минг сўм маблағ ажратди. Қўптина давлат ва жамоат ҳўжаликлари ИИБга моддий жиҳатдан ёрдам берришга ваъда қилган. Буларнинг ҳаммаси — пул.

Агар ҳалқ билан яқинлик вужудга келтирилмаган бўлса, милицияига ишонч туйгуши шаклланмаган бўлса, ким ҳам бир тийин берарди? Ҳалқ ишончи бизга таскин бераяти ва ишларимизни янада яхшилашга турти бўлашти.

Лекин, афсуски, муаммоларимиз ҳали кўп. Юқоридаги қонунда кўрсатилган бўлсада, замонавий техника воситалари билан таъминлаш даражаси паст. Рашиялар етишмайди. Бутун бўлимизда атиги иккита шаҳар телефони бор, холос.

Биз ўрганиб чиқдик, туманимиздаги оғир жиноятлар сабабчиларининг 80 фоизи четдан келтанлар экан. Бунимани кўрсатади?

Туманимизга «ташриф буюрган» нопок кимсалар фаолиятидан кўп ҳолларда кеч хабардор бўляпмиз. Дейлик, Тошкент шаҳрининг қайси бир туманида бир жиноятчи қочди. Уша туман ички ишлар бўлими бу ҳақда шаҳар ИИБга хабар қилади, кейин вилоят ИИБ олади бу хабарни, кейин биз. Унгача туманимизга кириб келган жиноятчи билган но маъқулчилигини қилиб улгарди. Шу сабаб бўлиб бальзан фалон жиноятнинг олдини ололмадингиз, деган ўтироzlарни ўшитишга тўғри келиб қолади. Тўғри, ҳеч нарса дейлмаймиз, айбис айборд бўлиб қолаверамиз.

Агар Тошкент вилояти ИИБ раҳбарлари масаланинг ана шу томонига жиддий аҳамият берисса, хизмат савиамиз бундан ҳам яхшилашади.

Хилолиддин ОЛИМХУЖАЕВ,  
Тошкент тумани ИИВ  
бошлиги, милиция подполковники.



1991 ЙИЛ — УЗБЕКИСТОНДА НАВОИЙ ИИЛИ

## УЛУҒ ШОИРНИ ХОТИРЛАБ

Буюк мутафаккир, ғазал мулкининг сultonи Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигини муносабати ўтган шанба куни кенг жамоатчилик шеърият боғига ташриф буюриши.

Улуғ бобомизнинг таъмирланган ҳайкални пойига беҳисоб гулчамбарлар қўйилди. Алишер Навоий хотирасига чексиз ҳурматини жумҳурият Президенти Ислом Каримов, жумҳурият Вице-президенти Шукрулло Мирсаидовлар ҳам намойиш этиб, шеърият боғига ташриф буюриши.

Жумҳурият Президенти Кенгаши аъзоси, Узбекистон ҳалқ шоири Шукрулло, УзССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Эркин Самандаров, таникли маданият арбоблари Алишер Навоийнинг шеърият бўстонидаги ўрни ҳақида, улус фаронвонлиги ва осойишталиги йўлида кўрсатган ҳиммати ҳақида ҳаяжонланиб гапидилар. Сўнгра йигилганлар Навоий номидаги адабиёт музейини зиёрат қилдилар.

СУРАТЛАРДА: шоир хотирасига бағишиланган маросимдан лавҳалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



Ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан эсдалик тангани муомалага чиқариш тўғрисида

СССР давлат банки ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан 1 сўмлик эсдалик тангани муомалага чиқариши.

1 сўмлик эсдалик танга оқ рангли мисни кель қотишидан тайёрланган бўлиб, диаметри 31 миллиметр бўлган дона шаклида дир.

Танганинг ўнг ва тескари томонлари айланаси бўйлаб қабариқ ҳошия бўлади.

Танганинг ўнг томонига СССР давлат герби жойлаштирилган, унинг остига «СССР», иккি сатрга танганинг қийматини билдирувчи «1 рубль» ва зарб этилган йилни билдирувчи «1991» санаси ёзилади.

Танганинг тескари томонига Алишер Навоийнинг қабариқ тасвири тушрилди, унинг чап томонида дона бўйлаб «1441—1501» саналари бўлади, пастиди иккি сатрда «Алишер Навоий» сўзлари ёзилади.

Танганинг айланаси бўйлаб «Одинъ рубль» сўзлари иккি марта ўйиб ёзилиб, ораси иккни нуқта билан ажратиб қўйилади.

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан чиқариладиган эсдалик танга 2,5 миллион дона бўлади, шу жумладан 0,35 миллион донасилининг сифати яхшиланган.

Эсдалик танга тўловларнинг ҳамма турларига, шунингдек жорий, ҳисоб варақаларига ёзишга, омонатга, аккредитив ва жўннатиш учун ҳеч бир чеклашсиз ўз қиймати бўйича қабул этилиши мажбурийид.

ТАЙИНЛАНУВ

# ЯНГИ РАҲБАР ИШ БОШЛАДИ

Ҳикмат Раҳматуллаев 1943 йилда туғилган, ўзбек, Совет Иттилоғи коммунистлар фирмаси аъзоси, маълумоти олий. 1984 йилда ССЖИ ички ишлар вазирлиги Академиясингер раҳбарлар тайёрлаш бўлимини тугаллаган. Иччи ишлар идораларида 1971 йилдан бери хизмат қиласди. Илгари Узбекистон ССЖИ МИБ ташкилий-назорат бошқармаси бўлими бошлиги ўринбосари бўлиб ишлаган.

УзССЖИ ички ишлар вазирлиги бўйруғига биноан милиция подполковники Ҳикмат Раҳматуллаевич Убайдуллаев МИБ қошидаги соқчилик бошқармаси бошлиги этиб тайинланди.

Жамоатчи муҳбиримиз янги раҳбарга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Ҳикмат Раҳматуллаевич, энг аввало Сизни янги лавозим билан табриклийман.

— Раҳмат.

— Хабаримиз бор, ички ишлар соҳасидаги фаолиятнинг салмоқли қисми оператив хизмат билан борлиқ. Энди эса соқчилик бошқармаси раҳбарисиз. Сир бўлмаса, ишни нимадан-бошладингиз?

— Жумҳурият ички ишлар вазирлиги соқчилик бошқармаси ва бўлимларининг бир йиллик фаолиятни сархисоб қилиш, 1991 йилда қўриқлаш хизматини такомиллаштириш борасидаги вазифаларни муҳокама этиш мақсадида 15 январь куни кенгаши ҷақирилган эди. Менинг янги вазифага тайинланишим ҳам шу кунга тўғри келди.

Вилоятлардаги соқчилик бўлимлари раҳбарлари 1990 йилда амалга оширилган ишлар, шу кундаги камчиклар ва ечилиши лозим бўлган муаммолар ҳақида ўз фикрларини айтдилар. Уларнинг сўзларини дижат билан, тингладим, чунки бу мен учун, шунингдек, бошқарманинг бу йилги фаолиятини режалаштириша жуда аҳамиятилди эди.

— Бошқарма ҳақидаги тасаввурингизда ўзарашлар бўлдими?

— Жойларда 32 ярим мингдан зиёд ҳалқ ҳўжалиги

объектлари қўриқланмоқда. Бундай масъулиятли вазифани амалга оширишга минглаб милиция ходимлари ва қоровуллар жалб этилган. Ҳуллас, соқчилик бошқармаси иш кўлами ўйлаганинга қараганда ҳам кенг экан.

Бошқарма маъмурӣ ва ташкилий ишларни амалга ошириш билангина чекланиб қолмайди. Жумҳурият ички ишлар идоралари қўриқлаш хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, қўриқлашта ишларни қароғанда ҳам кенг экан.

Бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолияти ҳўжалик ҳисоби асосида ташкили қилинган бўлиб, ҳарражатлар ўрни бажарилаётган иш учун корхона, муассаса ва ташкилотлардан тушидиган тўловлар ҳисобига қопланади.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда раҳбарлик қилаётган киши фақат ҳуқуқшунос бўлиб қолмай, идрокли иқти-

садчи, ҳўжалик ишларидаги тадбиркор, техникани тушунадиган ва қадрлайдиган киши бўлиши талаб этилади.

— Ўртоқ подполковник, улгаржи нархларнинг қўтирилиши ва бошқарма томонидан давлатга тўланадиган ижтимоий сугуртанинг миқдори ошганлиги аниқ. Узбекистон ССЖ Президенти ҳузуридан Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил декабрида чиқарган Фармишида соқчилик бўлимлари томонидан қўриқлананётган объектлардан олинидиган хизмат ҳақи олдинига қараганда иккни баробар ортиқ белгиланган. Корхона, ташкилот ва умасасалар билан шартнома тузиш сизларга қийин бўлмаяптими?

— Нима десам экан, ишга давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қароған корхона раҳбарлари ҳеч қаочон шартнома тузишдан бош тортмайдилар. Агарда бизлар қўриқлаётган корхонада ёки савдо тармоқларида ўғирлик содир бўлса, келтирилган зарарни ҳаммасини соқчилик бўлими тўлайди.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш корхоналарини ташмачилар чангалидан сақлаш ҳам бизнинг зиммамида.

Мисол тарнисида шуни айтиш керакки, 1990 йил давомида Жаҳон Обидованомидаги тамаки фабрикасида 162 нафар ташмачи ушланниб, улардан 113 минг сўмлик маҳсулот тортуб олинди. Тошкент вилоятидаги алкоголиз исчимликлар тайёрлаш комбинатида эса 1197 сўмлик. Андикон ил-газламалар тўқиш бирлашмасида 226 кишидан 142 минг 510 сўмлик газлама давлатга қайтарилди.

Жумҳурият бўйича бирлашмамиз ходимлари томонидан 17 мингдан зиёд ташкилотларни қилинган жойларда ишлаб чиқарниб, ҳамма қароғанда ҳаммасини соқчилик бўлими тўлайди.



мачилар қўлга олинди. Улардан тортуб олинган маҳсулот ва буюмлар 328 минг сўмликни ташкил қилди.

Бундай ташмачилар қўлга тушиб, улар устидан акт тузилаётганда, албатта, корхона вакиллари иштирок этадилар. Бунақангай кўнгилсиз ишлар айрим раҳбарларга ёқмайди. Шу сабабдан бўлса керак, «бегона кўздан» кутилиш мақсадида: «Қўриқлаш учун хизмат ҳақингиз қиммат», — дейишига тушадиганлар ҳам топилиб туради.

Хозирги кунда 33 мингга яқин объектни қўриқлаш учун шартномамиз бор.

— Ҳикмат Раҳматуллаевич, ниҳоят охирги саволим. Янги иш жойнингизда режалингиз қандай?

— Менинг назаримда, жамоага суннмаган, тўғри фикрли, тажрибали кишилардан маслаҳат сўрашини ўзига эп кўрмаган раҳбар ҳеч қаочон яхши бўлиниб бўлмайди. Мен ҳамма вақт изғирин, совуқ тунларда сергаклик билан ҳалқ ҳўжалиги бойлигини қўриқлаётган қоровуллар, милиция ходимларидан тортуб, бошқармадаги ходимларга ҳам таянаман.

— Судбат учун раҳмат.

— Судбатдош Революция ҲАСАНОВА.

18 ИИЛ. Шунчага муддат давомида кечани кеча, кундузни кундуз демай эл осои иштиталиги хизмат қилиш осон эмас, шунчага муддат ўз оромидан кечиб, ўзгалир оромини қўриқлаш енгил эмас. Фарғона вилояти Бувайда тумани ИИБ жиноят қидирив бўлинмаси катта оператив вакили Қодиржон Дарвишевга касбига садоқати, одамларга чексиз меҳрумҳабати куч-кувати багишлётгандир.

Утган йили у ишлабётган бўлинма ходимлари фуқароларнинг 20 минг сўмлик моддий зарарни жиноятчилардан қайтариб бершига муваффақ бўлишиди.

Яқинда туман маркази Янгиқўргон қишлоғига замонавий тулпорлар мотоциклларни ўмарнишга ихтисослашган гуруҳ фош этилди. Уларнинг орасида илгари чакки қадам босгани учун судланган 24 ёшли Бахтиёр Үринов ҳам бор. Бели оғримайон ейишга одатланганлар мотоцикл бор бир неча ҳамқишилоқларни қақшатишган.

СУРАТДА: Қодиржон Дарвишев қўлга тушган. Б. Үриновдан ўғирлини тағсилотларни сўраб-сурнштиришо муддатида. Үмарилган мотоцикл ўқдай учеб, уни яна суд курсиси томон қадам ташлашга мажбур этди.

Руслон ҲАСАНОВ олган сурат.

Олмалиқ шаҳар ИИБ навбатчилик қисмида эрталаб одатдаги иш тақсимоти бошланган ҳам эдик, телефон жиринглади. Шаҳар насалхонасининг қабулхонасидан миёси чайқалган ва бошца тан жароҳатлари олган Г. исмли аёл келтирилган ҳақида хабар олини...

Бир кун олдин Анжелика Г. мерос туфайли унга теккан автомашинани сотиб, пулни жамғарма банкига қўймоқчи бўлди. Эски танишларидан бирига мурожаат қилиб, машинасида банкка элтиб қўйинши сўради. Сергей К. йўқ демади. Соддадил Анжелика Йигитдинг анчадан бери ишламаёттанини, шубҳали турмуш тарзи кечираётганини билмасди. Ярим йўлда Сергеининг нияти бузилиб, 25 минг сўмни ўзиники қилиб олмоқчи бўлди.

В. ТИХОМОЛОВ.

## ЭШИКНИ НЕГА ОЧМАЙСИЗ?

Бир неча кун давомида Тансиқбоев маҳалласидаги 18-йилинг 25-хонаси эшиги бирор марта ҳам очилмади. Ҳавотир олган қўшиллар бир неча марта қўнгироқ тумгасини босиб кўришиди — ҳеч ким жавоб бермади. Ниҳоят улар турар-жойдан фойдаланниш идораси вакиллари иштирокида эшикни бузишга қарор қилишиди. Не кўз билан кўришисини, дам олиш хонасида 1925 йилда туғилган Ф. Сагадиева, 1963 йилда туғилган Д. Галимова ва 1986 йилда туғилган Э. Галимовларнинг сўйилган жасадла-ри ётари...

Тошкент шаҳар прокуратураси 1990 йил 14 декабрь куни машъум ҳодиса юзасидан жинон иш қўзгади. Зудлик билан оператив терог турар-жойдан қўнишларни бўлинмаси, милиция майори А. Мирсадиков, унинг ўринбосари, милиция капитани Э. Соҳидов, жиноят қидирив хизмати катта оператив вакили, милиция капитани А. Толипов, оператив вакил, милиция катта лейтенант Г. Қодиров, милиция капитани Н. Жабборов кирилтиди.

Гурух аъзолари тезкорлик билан қидирив ишларни бошлаб юбордилар. Улар қўнишларни бўлан сұхбат ўтказиш мобайнида «тутун»нинг учун топгандай бўлдилар.

— Бир кун Сагадиевнинг ўйига иккя нафар эркак иши меҳмонга келган эди. Менимча, улар Душанбе шаҳрида қариндош-уругларини аниглаш лозим.

Маълум бўлишича, марҳуманинг қизи Башқирдистон мухтор жумҳуриятида истиқомат қилувчи З. Ҳалитовнинг Душанбе шаҳрида қариндошлари бор экан. Прокуратура терогчиси П. Акрамов ва жиноят қидирив хизмати катта оператив вакили, милиция катта лейтенант Г. Қодировлар шошилинг равишида Тожикистон пойтахтига йўл олдилар.

Гаргар кўчасидаги 23-йил эшигини очган иши ўзини А. Ҳасановдеб танишиди.

— Уғлим Амир Ҳасанов Башқирдистоннинг Ермакеев туманида яшайди, — деди у меҳмонларнинг саволларига жавобан. — У Нурлан исмли ўргони бўшлаб келди. Бир неча кун бизнисида турниши, 6 декабрь куни эса Урганч шаҳрига бувисиникига жўнашиди. Улар онамнида атиги бир кун меҳмон бўлишишибди, кейин поездга ўтириб Тошкентга боришибди.

Вақтни бой бермаслик мақсадида милиция капитанлари Э. Соҳидов ва Э. Ҳошимовлар Ермакеев туманига шошилди.

1963 йилда туғилган Амир Ҳасанов изқуварлар топқирлигига тан беришдан, айбига иккя бўлишдан ўзга чора топмади. Рад этиб бўлмайдиган ашёвий далиллардан кўз узмай шафқатсиз ҳамтобиги билан амала оширган жиноятини ипидан ингасигача сўзлаб берди.

Чиндан ҳам улар 12 декабрь куни марҳума Ф. Сагадиева хонадонида меҳмон бўлишиган. Тунги соат учларда уларнинг нияти бузилиб хонадан соҳибасининг, из қолдирмаслик учун Д. Галимова ва унинг ўғли Э. Галимовлар танига пичоқ ботиргандар. 5 минг 500 сўмни киссага урган ваҳшитлар бор бу билан қаноатланмай жасадлар бўйинида тақинчларга ечиб олишган.

Ҳозир Амир Ҳасанов ҳибсанда олинган. Қизил Үрда вилоят ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда қотилликнинг иккинчи иштирокчisi Нурлан Манасловнинг кўлга олиш чоралари кўрила-япти.

Р. ТУРОПОВ,  
Собир Раҳимов тумани  
ИИБ бошлиғи.



### «ХОЖАТБАРОР» ТАЛОНЧИ

Олмалиқ шаҳар ИИБ навбатчилик қисмида эрталаб одатдаги иш тақсимоти бошланган ҳам эдик, телефон жиринглади. Шаҳар насалхонасининг қабулхонасидан миёси чайқалган ва бошца тан жароҳатлари олган Г. исмли аёл келтирилган ҳақида хабар олини...

Бир кун олдин Анжелика Г. мерос туфайли унга теккан автомашинани сотиб, пулни жамғарма банкига қўймоқчи бўлди. Эски танишларидан бирига мурожаат қилиб, машинасида банкка элтиб қўйинши сўради. Сергей К. йўқ демади. Соддадил Анжелика Йигитдинг анчадан бери ишламаёттанини, шубҳали турмуш тарзи кечираётганини билмасди. Ярим йўлда Сергеининг нияти бузилиб, 25 минг сўмни ўзиники қилиб олмоқчи бўлди.

Кимё заводи яқинидаги қизга тан жароҳати етказиб, пулни чўнтигага урди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Анжеликанинг дадиллиги ҳаётини кутқарип қолди. Пешойнани оёғи билан топиб келиб қолди.

Жиноят қидирив ходимлари милиция майори А. Мадедов, милиция капитани Х. Кочеръянлар ярим кун ўтасдан «хожатбарор» талончини Тўйтепа шаҳрида ушлашиди.

В. ТИХОМОЛОВ.

Раҳимжон РАҲИМОВ,  
Қува тумани ИИБ соқчилик бўлими ходими.

# ПОЁНДОЗСИЗ ҚОЛГАН МАЧИТ

Үтган йил охирларидан күз күриб, қулоқ эшитмаган воқеалар содир бўлди. Бўстонлиқ туманинг Абай номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган мачитдан 4 та, Паргос қўргонидаги мачитдан 3 та, Азотбош қўргонидаги мачитдан 4 та гилам сирли равиша ўмариб кетилди. Айни шу кунларда бир неча хонадон соҳиблари ҳам тунда уйларига ўғри тушгани, гилам, полос, магнитофон ва сандиқдаги кимматбаҳо ашёларини олиб чиқиб кетгани ҳақида ИИБга шикоят қилиши.

Диёнатсиз ўғриларни аниқлаш ва қўлга олиш терговчи, милиция катта лейтенанти Хусанбий Икромов, жиноят қидирив бўлнимаси ходимлари Руслан Гайфулин, Хайдиддин Миралимов, участка вакиллари Мирзатилла Саъдуллаев, Гаппар Ергашевлар зиммасига юклатилди.

28 декабрь куни участка вакили, милиция капитанни Мирзатилла Саъдуллаев эътиборини Тошкент—Чорвоқ катта йўлидаги Паргос қўргони бекатида турган номаълум шахслар тортид. Улар ғоят безовта кўринар, ўтётган ҳар бир машинага қўл кўтарар, бу ердан тезроқ кетишга ҳаракат килишарди.

Участка вакили уларни текшириб кўришга қарор қилди. Тусатдан милиция капитанни берган саволлар йўловчиларни довдиратиб қўди. Қўлларидаги катта түгунни ташлаб, қочмоқчи бўлиши. Лекин тадбиркор капитан улардан бирини маҳкам ушлаб олди.

Кўлга тушган шахс қаттиқ қаршилик кўрсатар, ҳақоратлар, бошқа фуқаролардан ёрдам сўраб, дод соларди.

Мирзатилла Саъдуллаев уни туғуни билан ИИБга олиб келди. Мэълум бўлишича, бу шахс 1972 йилда туғилган, Чирчиқ шаҳрида истиқомат қилувчи Нурлан Исмоилов экан. У бунақа ишларда суюги йўқлар хилидан бўлиб, тергов пайтида қочиб қолган шеригини танимаслигини айтди. Гўёки қўлидаги полосларни бир номаълум кишидан сотиб олганимиш.

— Мени асоссиз ушлаганларинг учун прокуратурага арз қиласман,— деда пўписа килди.

Лекин қонун ҳимоячилари зудлик билан ишга киришиб, полослар Товоқсој қўргонида яшовчи Эркин Тўйчибоеў уйидан ўғирланганини аниқлашди. Шундагина тумшугидан илинган ўғри таслим бўлди. Унинг аввал судланган ҳамтобоқлари — чирчиқлик Константин Селезнев, Михаил Будниченковлар ҳам ҳисбга олинди.

Улар қилин қирқ ёрадиган терговчилар зукколиги олдида ип эшолмасликларини тушуниб етдилар. Абай, Паргос, Азотбош қўргонлари мачитларидан жами 11 та гилам, полос ўғирлаганларига, шу қўргонлардаги 19 та, Чирчиқ шаҳрида 6 та уйни «тозалаб» кетганларига икror бўлдилар.

**Мирзатилла РАҲМАТБОЕВ,**  
бўстонлиқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори.



(Давоми. Боши аввалги сонларда)

Полковник Смолянинов қария касбининг сир-асорларидан анчайин бехабар эди. Уни бошқа нарса қизиқтириарди.

— Ҳа, яна нима? Балким у сизга яна қанақадир китобларни кўрсангандир?

— Йўқ, жавондаги китобларга кўзимнинг қирини югуртиридим. Улар, албатта, нодир нусхалар эмас, лекин эътиборга сазовор нашарлар. Бундай китобларга кўл тегизгани ҳам чўййисан. Улар доимо бир хил температура ва намлига эга маҳсус сейфларда сақланиши керак. Одатда уларга мутахассисларнинг катта гуруҳи кўзқулоқ бўлади. Ахир, бу миллий бойлик-ку. Е худо, тақдирни қаранг, ноёб китоблар оддий хонадондаги оддий жавонда сақланса. Тағин номаълум қўлларда. Мени ўша пайтдаги ҳолатимни тушунарсиз? Мен бир мунча вақт қаерда эканлигимни, бу ерга қандай тушшиб қолганини унтибман. Бир қара-

ним-у, кўзимни узолмай қолдим. Ўй эгаси мендан бу ҳақиқий «Псалтирь»ни деб сўради.

Наҳотки, у уйда сақланётган китоб бебаҳо эканлигини билмаса? Мен ичимдан ўтётганини сездирмадимда, на заримда китоб ҳақиқий эканлигини, аниқ ҳулосани маҳсус төкширишдан сўнг чиқариш мумкинлигини айтдим. У индамай китобни жавонга қайта жойлади. Бор гал шу. — Ревзин худди ажинларини сийпалётгандек бўлиб, пешонасини артди.— Э, йўғ-е, уй эгаси менга пул узатди. Айтишча, бу менинг ижодий иш ҳақим эмиш. Пулин олишга кўнмадим. Шунда уни пальтом киссасига солиб қўйди. Мана,— Қария чўнтағидан бир таҳлам ўн сўмликни чиқариб, Смолянинов олдидаги столга кўйди.

Пулин топширишни ҳужжатлаштирган ҳодим чиқиб кетгандан сўнг полковник сўради:

— Кейин нима бўлди, Григорий Иосифович?

— Мени олиб келган иккви кирди, йўлакда шапкам билан кўзимни беркитиб машина томон етаклашди. Ўйимнинг яқинида қўйиб юришиди. Фавнин шўрлик йўлак эшигининг дастасига боғлиқ ҳолда мени кутганча турган экан.

— Қайтиб келганингизда соат неча эди, эслай оласизми?

— Чамамда ўн бирларга яқин эди. Анигини айтольмасам керак, эътибор ҳам бермаганман, чунки жуда ҳаяжонланиб тургандим.

— Эслаб кўришга урининг, сизни қандай машинада ташлаб кетиши? Йўлакдан сизлар қайси томонга юрдингиз. Ҳамроҳларингизнинг афт-ангари қандай эди? Балким, йўлда ёхуд ўша ўйда яна нимадир бўлганни?

— Қаниди яна эслаб қолган бўлсан... Тағин мана шу сухбатга роса тайёргарлик кўрганман, — гудранди қария. — Аҳамияти бормикан буни. Машина такси эди, менимча.

— Нимага энди шундай, деб ўйлаяпсиз?

Ревзин ҳайрон бўлиб полковникка қаради-ю, ўйга ботди. Унинг ўзи ҳам калласига бу фикр қандай урганини тушунмаётган кўринарди.

— Билмадим. Қайдам, шиқиллаган овоз...

— Нима шиқиллади?

— Нима бўларди? Таксининг кира ҳақини кўрсатдиганида. Биласизми, худди секундомернинг шиқиллашига ўхшаш-у, ундан қаттиқроқ.

— Овозларига эътибор бердингизми? Балким бирортаси дудуқлангандир ёки тили чучукдир.

(давоми бор)

Гиёҳандлик....  
Кейинги пайтда бу сўзни тез-тез тилга оладиган бўлиб қолдик. Чунки у ярамас иплат кўпичларинг ҳаётини заҳарлаб, ёстиғини қуритаспти. Сўнгги маълумотларга қараганда, бизда 130 минг киши наркотик маддайларни истеъмол қиласман экан. Шундан 51 минг киши эса гиёҳандлик боткогидан чиқа олмаяпти...

Шамолдай учуб келаётган машинани малласоч йигит тўхтатди.

— Мўмай пулга тобинг қалай?

— Иўқ демасдим, — деда ишшайдай Баҳодир. — Қаерга элтиб қўйай?

— Шундоқ Тошкентнинг биқинига. Бир соатда бора-миз-у қайтамиз.

Баҳодир уни машинасигини орқа ўриндигига имлади. Одатда тарякхўлар битта уколдан кейин хушчакча ва сергап бўлиб қолишиди. Афтидан малласоч қонини заҳарлаб олган бўлса керак, дарров қулфи дилини очиб қўя қолди.

— Отим Владимир, фамилияни Никонов.

— Хизмат қаерда?

— Э, ишлаб нима қилдим? Сендақа киракашнинг бир йилда топган пулинин аканг қарагай баъзан бир кунда топади.

— Ие, ўғримисиз?

Владимир кулди.

— Ўғри шишилб олади, менга эса одамларнинг ўзлари келтириб бериб, тагин миннатдорчилек ҳам билдиришади.

Шоффёр йигитнинг ҳайратга тушганини кўрган Владимир жiddий гап бошлади.

— Майли, қийнамай қўя қолай. Кўриб турибман, пулга анча ўч одамга ўхшайсан. Сени ўзимга шерик қилиб оламан. Хўш, нима десам экан, хуллас, мен очирини айтганда тарякфурушман.

— Нима-а? — Баҳодир машинанинг тормозини бос-

ди.

— Қўрқмасангчи, — уни юпатгандай бўлди Владимир айёр кўзларини ўйнатиб. — Сенга нима, менинг ҳожатимни чиқарасан-у, пулинин олиб жўнайверасан. Сен билан кимнинг неча пуллик иши бор?

Баҳодир машинасигини яна жойидан жилдириди. Владимир эса жаврашдан тўхтамасди:

— Хоҳласанг, кира ҳақига икки баробар кўп кўкнор бе-

— Чапга бурил, анув қишилоқда бир дунгандаги оғайним турди. Нуқур Умаров. Унинг қариндоши Довур Мачинда 1—2 қоп кўкнор бор эмиш.

4—5 килодан аста-секин Тошкентга ташиб, енг учидаги пулаймиз. Ўзимизга ҳам қолади. Кўкнорини қора дорига айлантирадиган морфинчи ажойиб танишларим бор... Вой, кўкнорининг бир килоси неча пул туришини биласанми?

— Иўқ.

берсанг, бас, — деди Баҳодир.

Володя рози бўлди. Чунки у Баҳодирнинг машинасидан бундан кейин ҳам фойдаланиши ниятида эди. Володя яшайдиган ўйга етиб келишгач, янги топишган шериклар қуюқ хайрлашиди.

Тошкент шаҳридаги иммийекшириш институтларидан бирида шоффёр бўлиб ишлайдиган Баҳодир И. араққа азалдан ўч эди. Аммо кўкнорга мазахўрак бўлиб ол-

гунча иккви ҳам чурқ этишмади. Фақат Баҳодир хизмати учун ўз улушини олиб кетаётганди, ўй эгаси уни тўхтатди.

— Мана буни татиб кўр, — деди Владимир 1,5 граммга яқин қора дорини кира-кашга узатар экан, — маза қиласан...

Бу билан В. Никонов Баҳодирни тезроқ уколга ўргатмоқчи, шу йўл билан уни «гаҳ» деса қўлига ќўнадиган қилиб олмоқчи эди. Сарғиши рангдаги сақиҷимон моддага тикилиб турган Баҳодир эса айни пайтда сариқ аждар ҳалқумида турганини ҳам, Володянинг бузук ниятини ҳам англаб етишга қодир эмасди.

Аммо унга бу сақиҷи истеъмол қилиш насиб этмади. Ярим километр юрмасдан киракашни милиция ходимлари тўхтатишиди. Шу куни тарякфурушлар Д. Мачин, Н. Умаров, В. Никоновлар ҳам қўлга олинди. Улардан жами салкам ўн минг сўмлик кўкнор ва қора дори мусодара қилинди.

— Илгари, — деди биз билан сұхбатда Баҳодир И.— милиционерни кўрсам, жиним қўзириди, энг ёмон кўрганим шулар эди. Энди, билсан, сариқ аждар чангалидан мени кутқазиб қолиштаган экан. Касалхонада шу қора дори туфайли жаҳаннама шуба тўғониб ётган ўш-ш ўйгит-қизларни кўриб бошимдан хушим учай, деди...

Бу гап сидқидилдан айтилаптими, йўқми, буниси бизга қоронгу. Бироқ шунни яхши биламишни, сариқ аждар чангалига тушиш осон-у, ундан қутлиши фойяни мушкул. Шифоҳоналарда мажбурий равишда даволанаётган тарякхўр ва бандиларнинг даҳшатли азобдан қутилиш учун ҳатто ўлимiga ҳам рози бўлиб чекаётган оҳ-фарёдлари буни исботлаб турибди.

Тўхтамурод ТОШЕВ,  
Абдулла НУРИМОВ,  
ССЖИ журналистлар ўюшмаси аъзолари.

Борис ВАСИЛЬЕВ

# Фуръончиңи ҚАЙТАРИЛИШИ



(КИССА)

раман. Эҳ, оғайни, кайфнинг сурмагансанда...

Бу ҳақиқи ташитиб Баҳодирнинг иккиланишидан асар ҳам қолмади. «Пулини бoshимга ураманми, — деб ўйлади у, — яхшиси кўкнор оламан».

... Эшикни Нуқурнинг ўзи очди. У шоша-пиша катта бир ўрам пулни чўнтағига тиқди-да, қопни машина орқасига жойлади.

— Пулдан уриб қолма, — ўшириди В. Никонов. — Ҳаммасини Довурга топшир.

# БЕШ ТИЙИНЛИК ЖАНЖАЛ

Фарҳод кӯчаси бўйлаб келётган троллейбус «Самарқанд» бекатига келиб тұхтади. Бир зумда назоратчилар пайдо бўлишиди:

— Қани, билетларни кўрсатиб түшинглар.

Тахминан ўн беш-йигирма чоғли йўловчидан кейин ўрта ёшли, мўйловига оқ оралаган киши тушди. Назоратчилардан бирин унинг қўлидаги тешилган чиптани олиб кўрди-ю, афтини бужмайтириди.

— Бунингиз ўтмайди, ака.

— Нега ўтмас экан?

— Шунинг учун ўтмайдики, бу чиптанига «Трамвай, троллейбус, автобусда юриш учун» деб ёзилган. Бунинг бекор қилинганига икки йил бўлаяти. Тушундингизми? Қани, уч сўм тўланг.

— Троллейбусда йўл ҳаки канча?

— 5 тийин.

— Қўлингиздаги чипта баҳси қанча экан?

— 5 тийин.

— Компостер қилибмасми?

— Ҳа.

— Яна нима керак сизга?

— Бу ўтмайди, деялманку. Жарима тўланг.

— Ҳўв, ука, қонимни қайнатманг. Шу лъянти чиптани Андикондаги автобус шоффёлари қайтимга беришган.

— Андикон-пандижонингизни билмайман. Жарима тўланг, йўқса...

Йўловчининг рангги ўзгариб, қалин қошлари чимирildи.

— Э, бор, қўлингдан келганини қил! — деб ўйлида давом этмоқни бўлди.

Аммо назоратчи ҳам анонимлардан эмас экан.

— Тўхтанг, милиция чақираман! — деб унинг қўлидан тутиди.

Тоқати тоқ бўлган йўловчи экан:

— Чакир мелисангни, инсоғиз! — деб назоратчининг ёқасидан олди.

Ҳай-ҳайлаб уларни ажратиб қўймаганимизда, билмадим, қандай кор-ҳол содир бўларди.

Ана шу ҳодиса сабаб бўлди-ю, энг аввало авлодларимиз қон-қонига сингиб кетган инсоф, диннат, меҳмондустлик деган одатлар бизни тарк этётганини надомат билан тан олдим. Уша воеқа жараёнида факат назоратчими айблайман. Чунки жанжалнинг иккичи иштирокчиси бўлган йўловчи қаердаги беш тийин учун имонини сотадиганлардан эмас, менимни.

Қолаверса, беш тийинлик чипта олишдими-йўқми, деб «ҳаловатини» йўқотадиган назоратчилар нега транспорт воситаларининг жадвал асосида қатнашини назорат қилишмайди? Нега ҳайдовчилар йўловчиларга қандай хизмат курсатадиганлари билан қизиқишмайди?

Айниқса, автобусларда ахвол чатоқ, 94, 16, 65, 1, 101, 63-йўналиш билан қатновчи автобусларга чиқиб кўрин. Тумонат одам орасида оёқ кўйгани жой топломайсиз. Халқ ибораси билан айтганда йўғон чўзилади, ингича узилди. Лекин минбаъд ҳайдовчи ўтра ва орқа эшикларни очиши ҳаёлига ҳам келтирмайди. Улиб-тирилиб бўлса ҳам, олдинги эшикдан тушинингиз шарт. Беш ёки ўн тийин учун инсоннинг гуруруни толташ бундан ортиқ бўладими! Электр транспортида ҳам ахвол яхши эмас.

Тошкент шаҳар йўловчи транспорти идораси, қолаверса, трамвай-троллейбус ишлаб чиқарши бирлашмаси раҳбарлари бу ҳақда бош қотишилари зарур.

Ҳ. МАҲКАМОВ.

ИНСОН ҳаётга бир маротаба келади. У қандай оиласида тарбиясини олиши эса унинг келгуси ҳаёт йўлини белгилаб беради.

Афсуски ҳамма ҳам фарзанд тарбиялашдек нозик ва жиддий ишни бажаришга қодирлик қилавермайди. Натижада кўча-кўйларда назоратсиз болалар кўпайиб, улар балогатга етмаганлар муассасаларига олиб келинмоқда.

Мана шундай даргоҳлардан бирни йўқон шаҳрида. Махсус билим юртида йўлидан адашиб, боши берни кўчага кириб қолган, тарбияси издан чиқиб кетган қизлар таҳсил олади ва тарбияланади.

Аксарияти 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган бу қизлар энг қувноқ ва жўшқин дамларини мана шу атрофи деворлар билан ўралган ҳовлида ўтказмоқдалар. Ҳўш, нима сабабдан? Айнан шу саволга жавоб излаб, билим юртинг директори Жамила Раҳимова билан расмий ҳужжатларни кўздан кечира бошлаймиз.

Махсус билим юртида нафақат шароити оғир бўлган оиласаларнинг болалари, асингча туппа-тузук оиласада тарбия топган, лекин аҳлоқсизлик кўчасига кириб қолган қизлар ҳам бор. Шулардан бирни 1975 йилда туғилган Р. исмли қиз. У ўқишини ташлаб, бешарм ҳаёт кечира бошлаган. Бир қанча ўғирликлар содир этган. Ҳали 16 ёшга тўлмасдан таносил касаллиги юқтириб олган. У узоқ муддатли даволанинг сўнг ушбу махсус билим юртига ўқишини давом эттириш учун юборилган.

15 ёшли К.нинг номуси отаси томонидан топталган. Бу ҳақда ўқимга айти олмаган қиз уйини тарк этишига мажбур бўлади. Қорин тўйганиш ва бошпанга топиши мақсадида кўп вақтини дайдилка ўтказган. Бундай ҳаёт тарзига кўнишиб кетгач, бир қанча қонунбузарликлар қилади. Ниҳоят милиция ходимлари томонидан назорат остига олинган қиз махсус билим юртига юборилган.

Дунёга келиб ҳали ўқим нарсани англаб ултурмаган О. исмли қизнинг аянчли тақдирига унинг лоқайд онаси сабаби бўлган. Балогатга етмаганлар иши бўйича инспектор, милиция лейтенанти Илҳом Жумеавнинг чиқарган холосасидан: «О. ишлар бўлуми балогатга етмаганлар бўйича инспекция ҳисобига 1988 йил 24 марта куни олинган. Унинг онаси ичиликка берилган бўлиб, бола тарбиясига қарамай қўйган. О. назоратсиз

БОЛАЛИГИМ уруш ўйларига тўғри келган. Пешномада битта-битта мактабга кияндиришган шимим бўларди. Унинг ҳам икки тизасига ямоқ солинган. Аммо ўша пайтада ҳам ўзига тўқ хонаёнлар бор эди.

Бир куни кўчамиздаги бир аёл қўйининг терисини қайнатаётганини кўриб, сабабини онамдан сўрадим.

— Бу боякишининг оғизлари кўп. Қўчамиз бошидаги фалончи бой қўй сўйган экан, терисини берибди, балаларига қайнатаётганини деганлари ҳамон эсимда.

Э, нимасини айтасиз. У кунларни биз кўрдик, ўқим кўрмасин. Лекин шунча қийинчиликларга, очликка қарамай ўқим бирорнинг молини ўғирламас, ҳаётiga зомин бўлмас эди. Ҳаромдан ҳазар қилинади.

Ёши улуғлар ёнидан эмас, бироз наридан бошимизни эгиб салом бериб ўтардик.

## Одамлардек яшашни истайман



қолиши натижасида ўқишига бормайди, доимий равишда дайдилек қилади. Сўнгги пайтларда ичиликка ўрганини учун аҳлоқсизларча ҳаёт кечирмоқда. Олиб борилган тадбирий чоралар ижобий натижа бермади. Одан жиддий қонунбузарликлар кутиши мумкинлигини ҳисобга олиб, уни ёпиқ ҳолдаги маҳсус билим юртига юбориш керак, деб ҳисоблайман...

Ҳа, бу хуоса икки йил аввал чиқарилган Жамила Раҳимованинг айтишича, О. маҳсус билим юртига келган пайтларда унинг тарбияси оғир кечган. Ҳозирда эса ўзининг намуналини билан бошқа қизлардан ажраби туради, ҳаттоқи ўн нафар ўқувчига боз. Шу кунларда у ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома ва тикувчи-моторист дипломини олиш учун имтиҳонларга тайёргарлик кўравялти. Сўнгра ўз уйига қайтади. Аммо...

Икки йил давомида онам мендан бирор марта ҳам хабар олмади, — дейди О. — ҳаттоқи, жуда кўплаб ёзган хатларимга жавоб ҳам ёзмади. Билмадим, ўтайдом ва онам мени қандай кутиб олишади экан. Жуда бўлмаса инспекторимизга мурожаат қиламан, у киши мени ишга жойлашиб олишимга ёрдам берса бас, у ёғига ўз кучимга таянаман.

Ҳа, кўзларидан умид учунлари чақнаб турган қиз ҳаёт сўқмоқларидан қийнаб бўлса-да, ўтиб келамайти. Бунинг учун маҳсус билим юрти маъмурияти ёрдамини аямаяпти. Мехрибон мураббийлар кези келганда, ҳаттоқи, уларнинг шахсий ҳаётларига ҳам арадашадилар. Чунки, бу қизларнинг йигона сунячиқлари ҳозирча улар.

Кунларнинг бирида директор хонасига руҳсат сўраб шу билим юртинг ўқувчилари келишади.

Тақдир тақозоси мени кўнгил қўйган йигитимдан айриб қўйди, уни топишга ёрдам берсангиз.

Шу гапдан сўнг Жамила опа ўринбосари Геннадий Гольцовни Самарқанд шаҳрига жўнатди. Бирмунча сарсонгарчиликлардан кейин Геннадий ўша йигитни топди. Буни қарангни, садоқатли юртига ҳам севгилисини анҷадан бўён излаётган экан. Тез кунлар ичиди билим юрти ҳовлисида қайтадан топишган бу икки ўзини тўйи бўлди. Ҳозирда улар жуда бахтили умр кечиришишади.

Россия вилоятларидан бирида яшовчи бошқа йигит

ҳам ўз қаллигини излаб келиб, уни шу ердан топди. Шу ернинг ўзида уларга ҳам оқ йўл тилаб, яна битта тўйи қолиб бершиди.

Мазкур билим юртида қизларга таълим-тарбия бериши

нинг ўзида хос томонларини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилинмоқда.

Лекин ўқув дастурлари ўрта мактаблар учун Жамила Раҳимова фикрича, бу дастур умуман хотўғри бўлиб, бундай тарбияси оғир қизлар ўқийдиган билим юрти учун алоҳида ўқув дарслклари бўлиши керак. Менимча. Ҳўқон шаҳар ҳалқ таълими бўлмидаги мастьуль ўртоқлар бу ҳақда ўйлаб кўришлар лозим.

Бундан ташқари маҳсус билим юрти ўқувчиларини аввалдан белгилаб қўйилган муддат охиригача сақлаб туриш масаласи ҳам мутахассис бўлмаган кишилар, яъни шаҳар ижроқўми қошидаги комиссия ихтиёрида. Бемор дардини фақат шифор тушунади. Қарангни, билим юртинг директори балогатга етмаганларни иши бўйича комиссия аъзоси эмас экан. Бу деган сўз ўзи тарбиялаган ўқувчилари тақдирни учун овов бериш хукуқига эга эмас.

Шу кунларда 120 нафар балогатга етмаган қизларга мўлжалланган бу маҳсус билим юртида атиги 54 ўқувчи билим олмоқда. Нима учун тарбияланувчилар сони жуда камайиб кетди? Эҳтимол жумҳуриятимизда тарбияси оғир бўлган қизларнинг ўзи йўқдир? Агарда шундай десак, жуда хотўғри бўлар эди.

Ҳамма гап шундаки, бир қизини маҳсус билим юртига юбориш учун расмийлаштиришга жуда кўп вақт керак бўлади, иккичандан эса керакли ҳужжатларни йигиши чогида қўплаб тўсиқларга

Ота-оналари айни билан сарсон-саргардон бўлаётган ёшларни суюб, уларни тўғри йўлга солиб юбориш эса ҳар бир кишининг бурчидир. Чунки улар ҳам одамлардек яшашни хоҳлашади.

**И. МИНАВВАРОВ.**

**СУРАТДА:** билим юрти тарбияланувчисини Ҳўқон шаҳар фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш идорасини мудираси Дамира Ниёзова никоҳдан ўтказмоқда.

олиб, мени етакладилару бозорга келдик. Мен ўша жойни кўрсатдим. Дадам қовун-фурушга яқинлашаб, бир нишадар деди. Сўнгра пул узатди. Ўйга боргач, қўлимга яхшилаб урдилар. Шу-шу тўғри мактабга бориб, тўғри келадиган бўлдим. Бир умрага бу менга сабоқ бўлди. Демоқчиманки, ҳар бир ишга сабаби ота-онаидир. Агарда ўз вақтида кичкина, арзимас кўринган ёмон хулқга баҳо берилмаса, у бошқасини етаклаб келади.

Шу кунларда кўкрагимга «Узоқ йиллар вижданан, ҳалол ишлагани учун» деб ёзилган «Мехнат кексаси» нишонини тақиб юрад эканман, бунда отамнинг нақадар улкан ҳиссаси борлигини тумян. Ўйлаб қарасантиз, фарзандингизни ҳалол, вижданни бўлиши учун кўп нарса керак ҳам эмас-ку.

**Маҳкам ҲАҚИМОВ,**  
**мехнат кексаси.**

Муҳаррир  
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент,